

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 9 июнь, № 120 (7900) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 8 июнь куни қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Жорий йилда бандлик дастури доирасида 457 мингта доимий иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг асосий манбалари қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, савдо ва сервис соҳаларидир.

Масалан, магистраль йўллар бўйида савдо ва хизматларни йўлга қўйиш, шаҳар ва туман марказларида махсус кўчалар ташкил этиш орқали 150 мингта иш ўрни яратиш мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлашдаги яна бир катта захира — ер. Шу йил январда ёшларга экин майдонларидан ер ажратилгани яхши натижа берди. Энди Сурхондарёда бошланган тажриба асосида, ишсиз аҳолига қишлоқ хўжалиги ерларини 10 йил муддатга деҳқончилик билан шуғулланиш учун ижарага бериш тартиби жорий қилинади.

Бунинг учун жорий йилдан бошлаб қарийб 100 минг гектар ғалладан бўшаган ер майдонлари ишсиз аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун берилади. Пахта ҳосилидан кейин ушбу мақсадлар учун яна 100 минг гектар ер ажратилади.

**— Ёшларга ер берилиши тажриба бўлган эди. Энди катта тизимга ўтяпмиз. Ерни ҳақиқий эгасига — халққа берамиз. Ҳокимлар, сектор раҳбарлари қайси пахта ва ғалла майдонини қисқартиришни аниқлаб, уларни ишсиз аҳолига бериши зарур. Берганда ҳам, манфаатдор қилиб, адолатли ажратиш керак. Бу юз минглаб одамларимизни иш билан, даромад билан таъминлайди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Мутасаддиларга ер олган аҳолига уруғ ва кўчатлар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотларни сотиб олишни молиялаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сир эмаски, ер участкаларини ажратиш масаласи энг чигал муаммо, коррупциялашган жараён эди. Шу боис 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Энди тадбиркорлик учун ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётидан бутунлай воз кечилади ва ерлар ҳамма учун бир хил ва ошкора, электрон аукцион орқали хусусий мулк қилиб сотилади ёки ижарага берилади. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ер ажратиш ва уларни қайтариб олиш билан боғлиқ барча ваколатлари бекор қилинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари мазкур Фармоннинг аҳамиятига тўхталиб, жойларда унинг ижросини ташкил этиш, ҳалоллик ва қонунийликни таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Аҳоли фаровонлигига дахлдор яна бир масала озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлигидир.

**— Нарх-навони арзон қилиш бу тадбиркор ва чорвадорларни мажбурлаш, уларга маҳсулотини паст нархларда соттириш, дегани эмас. Биринчи галда, бозорда таклифни кўпайтириш керак, — деди Президент.**

Бунинг учун қисқа муддатларда юқори натижа берадиган йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Шундай тармоқлардан бири — паррандачилик.

Масалан, парранда 1 килограмм вазн олиши учун 1,7 килограмм, қорамолга эса 8 килограмм озуқа-ем талаб этилади. Лекин юртимизда парранда гўшти ҳам, тухум ҳам аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кам етиштирилади.

Шу боис йиғилишда парранда саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар белгиланди. Яъни тухум учун субсидия миқдори 3 баравар, парранда гўшти учун эса 2 баравар оширилади. Омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағни тўлдириш ва паррандачилик лойиҳалари учун кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисми қоплаб берилади.

Паррандаларни сўйишга мўлжалланган замонавий комплекс лойиҳалари бўйича харажатларнинг бир қисми компенсация қилинади. Паррандачилик корхоналари учун фойда, мол-мулк, ер ва сув солиқлари ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Бу тармоқдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун “Микрокредитбанк” АТБ орқали давлат томонидан 50 миллион доллар ресурс ажратилади.

Мутасаддиларга ушбу тартиб ва имтиёзларни жорий қилиш, мавжуд корхоналарнинг тўлиқ қувватларга чиқишига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хусусий шериклик асосида маҳаллаларда мини-инкубатор ва маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичлар ташкил этиш, хонадонларда парранда етиштиришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини қайта ташкил этиб, шароитимизга мос, наслли парранда зотларини яратиш вазифаси қўйилди. Мазкур институтни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, наслли зотлар олиб келиш учун 10 миллиард сўм ажратилади.

Чорвачилик соҳасида 1 мингдан ортиқ, балиқчилик йўналишида 317 та лойиҳани ишга тушириб, гўшт етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Жорий йилда сув танқислигини инобатга олиб, қудуқ қазишга 200 миллиард сўм ажратилиши айтилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан камида 10 минг гектар ерни озуқа-ем етиштиришга мослаштириш мумкин.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари ишсизликни камайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ошириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш чоралари бўйича ахборот берди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТОЖИКИСТОНГА БОРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10-11 июнь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ташриф дастурида Душанбе шаҳрида икки томонлама тадбирлар — расмий кутиб олиш маросими, тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокаралар, ижтимоий объектлар очилиши ва икки томонлама ҳужжатлар имзоланишига бағишланган онлайн маросимлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган. Кўп қиррали шерикликнинг янги “ўсиш нуқталари”ни белгилаш ҳамда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади. Президентлар халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашадилар.

Бундан ташқари, давлат раҳбарлари Тожикистон пойтахтида қўшма маданий тадбирларда иштирок этадилар, Сўғд вилоятида жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказиб, қатор саноат объектлари билан танишадилар.

Тадбирлар якунида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим соҳаларини қамраб олган 30 дан зиёд ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилгани, аниқ амалий мазмун билан бойиганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлат раҳбарларининг ташаббуси билан ва қатъий сиёсий иродаси туфайли икки биродар мамлакат ва халқ ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ҳал этилди.

Ўзаро савдо ҳажми бир неча баробар ортиб, ўтган йили 500 миллион доллардан ошди, 200 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди. Гуманитар соҳада фаол алмашинувлар, ҳудудлар ўртасида самарали алоқалар амалга оширилмоқда.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон ва Тожикистон коронавирус оқибатларини енгиб ўтишда ўзаро бирдамлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлди.

Бўлажак саммитга тайёргарлик доирасида икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлик қилаётган Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилиши, илмий-амалий конференция, Ўзбекистон киноси кунлари ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди. Ташриф арафасида биринчи Ҳудудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгашининг учрашуви ўтказилади.

**ЎзА.**

# ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 июнь куни маданият ва маърифат соҳаларига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Улардан бири — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида бунёд этиладиган замонавий кутубхонадир. Лойиҳага кўра, бу ерда 3 қаватли кутубхона қурилиб, атрофида яшил ҳудуд барпо этилади. Бинонинг биринчи қаватида санъат ва ахборот технологиялари, иккинчи қаватда тарих, филология ва динга тааллуқли, учинчи қаватда ижтимоий фанларга оид адабиётлар жамланади. Ушбу кутубхона адабиёт, илм-фан ва санъатнинг турли йўналишларига оид босма ва электрон нашрлар, электрон ҳужжатлар, жами 1,5 миллиондан ортиқ китоблар фондини қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари кутубхонани қуришда шаҳарсозликнинг илғор тажрибаларини қўллаш, келувчиларга қулай шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Навбатдаги лойиҳалар ҳам маданият ривожига қаратилган. Жумладан, Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмийнинг янги ҳайкалини ва унинг атрофида хиёбон барпо этиш режалаштирилган.

Президентнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги нишонланади. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида санъаткор ҳайкалини ўрнатиш белгиланган.

Тақдимотда бу борада Бадиий академия томонидан танлаб олинган ҳайкал эскизлари кўздан кечирилди. Ҳайкаллар ўрнатиладиган хиёбонларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ТЕНГЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЕРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БОЗОР АКТИВИГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш **мақсадида**:

1. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган **ер тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар** маъқуллансин.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 августдан бошлаб:

ер участкалари хусусий секторга — **мулк** ва **ижара** ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) — **доимий фойдаланиш ҳуқуқи** асосида ажратилади;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади;

ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

# ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

*Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини кўп асрлик дўстлик ҳамда яхши қўшничилик, ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради. Айниқса, кейинги йилларда икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ҳамда узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.*

## Дўстликришталари



Давлат раҳбарларининг очиқ, ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатлари нафақат Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини ривожлантириш, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни чоғда давлатларимиз раҳбарларининг интилишлари туфайли равнақ топаётган муносабатлар мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

Шу йилнинг 10-11 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Хўш, бу галги ташриф доирасида қандай масалалар муҳокама этилади? Умуман, икки давлат раҳбарлари учрашиб, ўзаро келишиб олиши лозим бўлган қандай тадбирлар мавжуд?

Айтиш жоизки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти сифатида фаолият бошлаши билан Тошкент ҳамда Душанбе орасидаги ўн йилликларга чўзилган совуқ муносабатларга барҳам берилди, турли соҳаларда алоқалар қайта тикланди. Узоқ йиллик ижтимоий, сиёсий масалалар ечим топиб, савдо-иқтисодий муносабатлар кўлами кенгая бошлади.

Бундан уч йил муқаддам икки давлат ўртасидаги товар айланмасини 1 миллиард долларга етказишга келишиб олинганди. Ҳозирча коронавирус пандемияси туфайли ушбу кўрсаткичга эришилмаган бўлса-да, аммо йилдан-йилга савдо ҳажми ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу эса Ўзбекистон Тожикистоннинг муҳим иқтисодий шерикларидан бирига айланганидан далолатдир.

➡ 2

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

## ҲАЁТ ТАРЗИМИЗГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Долзарб мавзу



*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотига кўра, жаҳон иқтисодиёти коррупция туфайли ҳар йили 2,6 триллион доллар зарар кўради. Шу боис кўпгина давлатларда сўнгги йилларда ўтказилган президент ва парламент сайловларида иштирок этаётган сиёсий партиялар дастурларининг устувор йўналишлари сифатида айнан коррупцияга қарши кураш масаласи алоҳида белгилаб олинган.*

*Хўш, Ўзбекистонда бу иллатга қарши қандай ишлар амалга ошириляпти? Натижалар қандай? Бу борадаги вазифалар нималардан иборат?*

*Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРҲАНОВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.*

— Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Мамлакатимизда муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, коррупциянинг олдини олишга қаратилган кенг миқёсдаги маъмурий ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бу борада мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кўтариш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

➡ 4

Ўзбекистон ифтихори

# ҚАҲРАМОНЛИК, МАТОНАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ЭЪТИРОФИ




Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев дунёдаги энг баланд — Эверест чўққисида Ўзбекистон байроғини ҳилпиратган ҳамюртимиз, альпинист Сергей Денисенкони “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони ва “Trailblazer” автомобили билан мукофотлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЕР МУНОСАБАТЛАРИДА ТЕНГЛИК ВА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ЕРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ БОЗОР АКТИВИГА АЙЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган **очиқ электрон танлов якунларига кўра,** фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар** мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида **электрон онлайн-аукцион** орқали реализация қилинади;

давлат ташкилотларига ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади;

барча ҳолларда ер участкалари **фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан** ажратилади, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ер участкалари **давлат ташкилотига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади**, ушбу ерлар давлат-хусусий ёки ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига хусусий шерик, нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижарага берилиши мумкин;

кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

3. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан бошлаб, истисно тариқасида, фақат қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба синовлар амалга ошириш учун **давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига** — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига асосан;

**агросаноат кластерларига** — ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридаги пул маблағи депозитга қўйилганда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимининг таклифига асосан;

энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган **йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун** — лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисоб рақамга жойлаштирилганда;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари).

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қуйидаги ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги **ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи** 2021 йил 1 августдан **бекор қилинсин**:

**ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш**, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш, бундан мазкур Фармонга мувофиқ ер участкаларини давлат ташкилотларига доимий фойдаланишга ажратиш, очиқ танлов якунларини тасдиқлаш, ижара шартномасини имзолаш, ер участкаларини хусусийлаштириш натижаларини расмийлаштириш бўйича ваколатлар мустасно;

туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;

суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини **бошқа ер тоифасига ўтказиш**;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;

хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш.

5. Қонунчилик ҳужжатларида ушбу Фармонда белгиланганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар 2021 йил 1 августдан **тўлиқ бекор қилинсин**.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда **имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқлансин**.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда алоҳида ижтимоий ҳимоя қилинадиган шахсларга, шунингдек, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган шахсларга ер участкаларини **электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаб бериш** тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

"Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги;

"Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги;

"Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж.Қўчқоров):

бир ой муддатда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари асосида берилган ер участкаларини хусусийлаштириш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

Адлия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари улушини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ушбу Фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан **мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилсин**.

9. **Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ва жойларда ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин, уларнинг таркиби 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика ва ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ердан оқилона фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини бевосита таъминлаш ва давлат назоратини олиб боришга масъул давлат органларининг соҳага доир фаолиятини ўрганиб, мувофиқлаштириб бориш, тегишлича ушбу органлар ва уларнинг қуйи тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

ерларни, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

ер ажратиш ва ундан фойдаланиш жараёнларига ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини тезлаштиришга кўмаклашиш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

10. Ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ходимлари масъул эканлиги белгилансин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Адлия вазирлиги билан бирга ер тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, янги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочилар ҳамда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тегишлича Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашларнинг ишчи органи ҳисобланади;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишлари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади, Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишларига давлат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин;

ҳудудий кенгашлар ўз фаолияти тўғрисида ҳар чоракда Республика кенгашига ҳисобот беради.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бир ой муддатда тегишли маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан 2019 йил 1 январдан ҳозирга қадар қабул қилинган ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг ягона рўйхатини тасдиқлаб, уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумлаштирсин ҳамда Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига тақдим этсин.

Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, шу жумладан, ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш учун жавобгар эканлиги белгилансин.

13. Белгилансинки:

электрон онлайн-аукцион ва очиқ танловга қўйиш учун ер участкаларини танлаш, келишиш, аукцион ва танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш, аукцион ва танловни ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар, истисноларсиз фақат электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат алмашинуви йўли билан амалга оширилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига доир барча қарорларини қабул қилиш улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — "E-qaror" тизими орқали, ушбу қарорларда ер участкасига доир географик маълумотлар ва хариталарни шакллантириш эса "Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими" орқали автоматик равишда амалга оширилади;

ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий хулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер муносабатларига доир ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков), Адлия вазирлиги (Р.К.Давлетов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) бир ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

**Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти**;

**Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти**;

**Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламенти**ни тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 октябрга қадар, кейинчалик ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 8 июнь

## ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

# ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

1

Таҳлилларга қараганда, икки давлат ўртасидаги маҳсулот айланиш ҳажми ўтган йили пандемия шароитига қарамай, 502 миллион АҚШ долларига етди. Шундан 404,5 миллион доллари Ўзбекистондан Тожикистонга амалга оширилган импорт, 97,3 миллион доллари эса Тожикистондан Ўзбекистонга қилинган экспорт ҳиссасига тўғри келади. Бу охирги 20 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич, дегани.

Агар 2016 йилнинг тўртинчи чораги ҳамда 2017 йил хронологиясига назар ташласак, минтақада энг яқин қўшни саналган тожик — ўзбек муносабатларида сезиларли илиқлашув ва туб бурилишлар юз берганининг гувоҳи бўламиз. Ўша вақтлардаёқ икки республика Бош вазирлари учрашувлари оммавий ахборот воситаларида тилга тушгани бежиз эмас эди. Шу орада тадбиркорлар, маданият ҳамда санъат вакилларидан иборат делегациялар ўзаро борди-келдини бошлаб юборганди. 2017 йилдаёқ икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги уфқлари намоён бўла бошлади.

### Ўзаро алоқалар ҳар соҳада равнақ топяпти

Ўтган қисқа давр — бир ярим йил ичида ўзбек — тожик муносабатларини мустаҳкамлаш сари муҳим қадамлар қўйилди. Ўзаро алоқаларда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Яхши қўшничилик ришталари анча мустаҳкамланди, ўртада конструктив ҳамкорлик муҳити юзага келди.

Аниқ мисолларга тўхталадиган бўлсак, 17 — 20 апрель кунлари Душанбе шаҳрида илк бор Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги самарали муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга барчада умид уйғотган мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг 160 корхонаси ўзининг 1,5 минг турдаги маҳсулотини намойиш этди.

Ҳақиқатан ҳам, 2017 йил Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо алоқалари олти карра ўсиб, товар айирбошлаш ҳажми 69 миллион 200 минг долларга етди.

2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбега ташриф буюриши ва икки давлат ўртасида кўплаб шартномалар имзоланиши билан бир қаторда, бир ойгача визасиз кириб-чиқишга доир келишувга эришилганлиги муносабатларни янада яқинлаштирди.

Тожикистон божхона хизмати маълумотларига кўра, 2018 йилнинг биринчи олти ойида икки давлат ўртасидаги товар айланиши 117 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик жорий йил 14-15 май кунлари Тошкентда Бош вазир Қоҳир Расулзоданинг Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 8-йиғилишига ташрифи чоғида ҳам муҳокама этилди. Бу масалалар бундан сал олдинроқ, яъни 24 апрель куни Ўзбекистон Бош вазири бошчилигидаги делегациянинг Хўжанд шаҳрига ташрифи чоғида ҳам кўриб чиқилганди.

### Ташриф доирасида 30 дан зиёд янги келишувлар имзоланиши кўзда тутилган

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга навбатдаги ташрифи янада самарали бўлиши кутилмоқда. Сўғд вилояти маъмурияти маълумотига кўра, икки давлат раҳбарлари учрашуви доирасида 30 дан зиёд янги келишувлар имзоланиши кўзда тутилган.

Бу келишувлар иқтисодий алоқалар, инвестициялар, саноат, маориф ва илм, маданият, соғлиқни сақлаш, темир йўл, божхона, энергетика ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари томонидан Самарқанд ҳамда Панжикент шаҳарларини темир йўл тармоғи орқали боғлаш режаси маълум қилинди.

Икки мамлакатнинг транспорт соҳасига масъул идоралари, шунингдек, Бекобод — Конибодом — Қўқон йўналиши орқали ўтадиган темир йўл бўйлаб электр узатиш линиясини қуриш тўғрисида битим имзолаши ҳам режалаштирилган. Душанбеда берилган расмий баёнотга кўра, томонлар ҳозирги кунда амалда бўлган барча чекловлардан воз кечиб, ягона транспорт маконини яратишни мўлжалламоқда.

### Ягона транспорт макони яратилади

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга сафари олдидан икки давлат вазирлик ва идоралари, тадқиқот марказлари вакиллари ҳамда олимлар Душанбеда учрашди. Ушбу конференцияда иштирок этган Ўзбекистон томони Президентнинг расмий ташрифи давомида имзоланиши кутилаётган келишувлар ҳақида маълумот берди.

Анжуманда билдирилишича, юқорида айтиб ўтилган лойиҳалардан ташқари, Самарқанд шаҳридан Тожикистоннинг Айний туманигача темир йўл қуриш лойиҳасини амалга ошириш ҳақида фикр алмашилган. Душанбе ва Тошкент транспорт лойиҳаларининг амалга оширилиши юк ташиш ҳамда маҳсулот айланмаси ҳажмининг янада ортишига имкон беради.

Тожикистон Транспорт вазирлигининг халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Сайфулло Қодиров Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг транспорт соҳасига масъул идоралари вакилларининг Душанбедаги учрашуви чоғида Бекобод — Истиқлол — Бекобод темир йўл участкасидан фойдаланиш, Патар — Андархон назорат-ўтиш маскани орқали автомобилда юк ташиш, аввалдан мавжуд йўналишларда автобус қатновини ташкил қилиш йўли билан юк ташишни тиклаш масалалари кўриб чиқилганини таъкидлади.

Экспертлар фикрларига кўра, мустақилликка эришганидан сўнг, транспорт соҳасини ривожлантириш Тожикистон учун катта аҳамият касб этиб келмоқда. Коммуникация берклигини бартараф қилиш, шубҳасиз, давлатнинг стратегик мақсадларидан биридир.

Янги темир йўл ва автомобиль йўллари қурилиши, албатта, Тожикистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам жуда манфаатли. Икки давлат ўртасида юк айланмаси янада ортиши билан бир қаторда одамларнинг қўшни мамлакатга бориб келиши учун қулай шароит яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти маълумотига кўра, пандемияга қадар Тожикистон ҳамда Ўзбекистон чегарасидан ҳар куни 20 мингдан зиёд одамлар ўтган. 2019 йил якунларига кўра, тожикистонликлар Ўзбекистонга келган сайёҳлар умумий сонининг 25 фоизини ташкил қилган.

Уч йил олдин, яъни 2018 йилги учрашувда икки давлат ўртасида ўн йиллик-лар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш бўйича келишиб олинган эди. Шу давр давомида ҳар икки томон ҳам у ёки бу соҳада ҳамкорлик қилиб, бир-бирини ўрганди, мослашди.

### Йирик истиқболли лойиҳаларга қўл урилади

Айни кунларда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга ташрифига жуда катта тайёргарлик кўриляпти. Сабаби мазкур учрашув Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишига тамал тоши қўйиб беради.

Кутилаётган расмий ташриф эндиликда икки давлат ўртасидаги катта-катта истиқболли лойиҳаларга қўл урилишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда гап йирик иншоотлар қурилиши ҳақида бораётир. Бундай қўшма корхоналар, икки давлат учун ҳам аҳамиятли бўлган иншоотларнинг барпо этилиши, дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлади.

Икки мамлакат ўзаро муносабатларида кузатилаётган ижобий ўзгаришлардан, биринчи навбатда, оддий одамлар манфаат кўрмоқда. Яъни Тожикистон учун Ўзбекистон билан яхши муносабатда бўлиш қанчалар муҳим бўлса, бу Ўзбекистон учун ҳам шунчалик фойдали. Буни исталган соҳада кузатиш мумкин.

Айтайлик, Тожикистон сув оқими бўйича юқорида жойлашганлиги учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонга фойдали. Саноат соҳасини олсак, Ўзбекистон маҳсулотлари учун Тожикистон қўшимча бозор.

Биргина ўтган йилдаги товар айланмасига эътибор берсак, Ўзбекистон Тожикистонга қараганда тўрт баробар кўпроқ маҳсулот экспорт қилган. Ёки маориф, олий таълим соҳасини олсак, бугунги кунда минглаб ўзбекистонликлар Тожикистон олийгоҳларида таҳсил олмоқда. Демак, мазкур соҳаларда ҳам ҳамкорлик битимларини тузиш, уларни мукаммаллаштириш ёки мослаштириш зарурати мавжуд.

Икки давлат раҳбарлари муҳокама қилиши эҳтимолдан йироқ бўлмаган яна бир қанча масалалар бор. Масалан, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан муносабатлар, Афғонистон минтақасида хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш масалалари бўйича ҳам ўзаро фикр алмашишлар бўлиши мумкин.

### Ташқи савдони кенгайтириш муҳим масала

Айни чоғда янги транспорт йўлакларини очиш ҳам муҳим мавзулардан. Ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатларининг асосий савдо йўллари шимолий йўналишга қаратилганини ҳисобга олсак, ташқи савдони диверсификация қилиш орқали иқтисодий ҳамкорликнинг Жанубий йўналиши — Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Мальдив ороллари, Непал, Покистон, Ҳиндистон ва Шри-Ланка сингари Жанубий Осиё мамлакатлари билан истиқболли бозор очилади.

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий истиқболли йўналишлари Марказий Осиё мамлакатларининг жанубдаги денгиз портларига чиқишини таъминловчи янги транспорт йўлакларини қуриш, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш, шунингдек, ташқи савдони кенгайтириш ва диверсификация қилиш ҳисобланади.

Демак, очиладиган янги йўналишлардан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам бирдек манфаатдор. Икки минтақа ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашиши Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг Тожикистон Республикасига ташрифи ва унинг доирасидаги учрашувлар ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини муҳокама қилиш учун қулай имкониятдир. Зеро, ўзбек — тожик биродарлиги Марказий Осиёда яхши қўшничилик, тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

**Қобилжон ХУШВАХТЗОДА,**
**Тожикистон Миллий университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Олий Мажлис Сенатида

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

*Хабар қилинганидек, айни кунларда Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари раислари ва котибият мудирлари учун вакиллик органлари фаолияти натижалари ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоконференцалоқа шаклида учрашувлар бўлиб ўтмоқда.*

Кеча ўтказилган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари қатнашди. Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар қонунийлигини таъминлаш, Кенгашлар фаолиятида доимий комиссиялар ўрни ҳамда ролини кучайтириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида қонунчилик тизими такомиллаштириб борилаётганлиги, депутатларнинг ҳақиқий халқ вакиллари бўлишлари учун зарур шароитлар яратилаётганлиги таъкидланди.

Бугун янги Ўзбекистоннинг парламенти ҳам янгиланмоқда. Буни Олий Мажлис Сенатига киритилаётган қонунларни маҳаллий Кенгашларда кенг муҳокама қилиш, ҳудудлар муаммоларини сенаторлар орқали парламентга олиб чиқиш ва бартараф этишга кўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилгани, умуман, маҳаллий Кенгашлар доимий ҳаракатдаги назорат органига айланиб бораётгани мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Аммо шунга қарамай, мазкур йўналишда ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб масалалар ҳам кўп. Шу сабабли йиғилишда "депутатлик назорати тизими яратилди", деган хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ эмаслиги, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган, турлича талқин қилинаётган масалалар маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқишини талаб этаётганига урғу берилди.

— Президентимиз доимий равишда парламент вакиллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларига ишонч билдириб келмоқда, — деди Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси Толибжон Мадумаров. — Биз шу ишончни оқлашимиз керак. Бунинг учун, албатта, маҳаллий Кенгашлар ва улардаги доимий комиссиялар фаолиятини бугунги кун талаби даражасида йўлга қўйиш керак бўлади. Сенат Раиси раҳбарлигида ўтказилаётган учрашувлар ана шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аввалгидек шунчаки тузилма эмас. Улар янги Ўзбекистоннинг янги доимий комиссиялари. Шундай экан, уларнинг олдига қўйиладиган талаб ҳам шунга яраша бўлиши, табиий. Яъни улар маҳаллий Кенгашлар сессияларини ташкил этиш ва ўтказишга бош-қош бўлади, таъбир жоиз бўлса, маҳаллий Кенгашнинг юзи ҳисобланади.

Бугун туман Кенгашларида барча йўналишни қамраб олган 7-8 тадан доимий комиссиялар бор. Агар улар фаолиятини бугунги кун талаби даражасида йўлга қўйсак, ўз-ўзидан маҳаллий Кенгашлар фаолияти жонланади, муҳими, ҳудудлардаги муаммолар уларнинг кўмагида жойларнинг ўзида ҳал этилади. Бу эса, пировардида Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

Мулоқот давомида доимий комиссиялар раислари ва котибият мудирлари ҳам ўз мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлишди.

Тадбирда маҳаллий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятида турли эътироз ҳамда тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётган бир қатор омиллар ҳам кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, учрашувда вакиллик органлари том маънодаги назорат институтига айланиши учун маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари ва котибиятлари томонидан, биринчи навбатда, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди.

**«Халқ сўзи».**

Ялпи мажлис



# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси жамият ҳаётида учраётган айрим муаммоларнинг самарали ечимларига қаратилган қонун лойиҳалари муҳокамасига бой бўлди. Халқ вакиллари томонидан тасдиқланган лойиҳалар қаторида Давлат бюджетининг самарали ижроси билан боғлиқ масала ҳам мавжуд.*

## Давлат бюджети параметрларига ўзгартиришлар киритиляпти

Ялпи мажлисда депутатлар "2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Лойиҳа билан айни ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, ижросини кечиктириб бўлмайдиган муҳим лойиҳаларга зарур маблағлар ажратиш мақсадида Давлат бюджети параметрларига айрим ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур ўзгартишлар натижасида 2021/2022 ўқув йилидан олий таълим муассасаларига давлат грантида қабул кўрсаткичлари 25 фоизга оширилади, эҳтиёжманд оилалар қизларига ажратиладиган грантлар икки бробарга кўпайтирилиб, уларнинг умумий сони 2 мингтага етказилади.

Шунингдек, олис ҳудудларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг ҳамда даволаш тадбирларига хусусий шифохоналар ҳам жалб қилиниб, уларга субсидия ажратиш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, бюджетдан қўшимча маблағлар ажратилиб, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш мақсадида бирламчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади.

Депутатларнинг қайд этишича, Давлат бюджети параметрларига киритилаётган ўзгартишлар мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда ичимлик суви таъминотини яхшилашга йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

## Суғурта шартномаси электрон шаклда тузилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мажлисда "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи депутатлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар, бир қатор таҳририй тузатишлар киритди.

Лойиҳа суғурта соҳаси истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади. Қонун лойиҳасида суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг (суғурта ташкилотлари, суғурта брокерлари, аджастерлар, ассистанслар, актуарийлар, сюрвейерлар) ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланяпти.

Шунингдек, қонун лойиҳасида суғурта шартномаларини электрон тарзда интернет орқали тузиш жараёни қонун билан мустаҳкамланяпти.

Ҳужжатдаги қатор янги нормалар суғурта хизмати истеъмолчилари ва бошқа субъектлар ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлаш, аҳолининг бу борадаги саводхонлигини ошириш ҳамда суғурта бозорининг очиқлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мажлисда қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Лойиҳа масъул қўмитага қайтарилди

Ялпи мажлисда, шунингдек, "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилганда, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари қоидаларини бузганлик учун кучайтирилган жазо чоралари қўлланиши белгиланган эди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида халқ вакиллари белгиланаётган жарималарни қайтадан кўриб чиқиш ва жарима миқдорларини етказиладиган зарарга қараб белгилаш бўйича таклифлар берди.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда хабарнома юборилиши лозим бўлган фаолият билан хабарнома юбормасдан, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун, шунингдек, лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жарима миқдорлари камайтирилмоқда.

Қизғин муҳокамаларда қонун лойиҳаси юзасидан айрим эътирозлар билдирилди. Баъзи моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар айтилди.

Асосли фикрлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиши учун масъул қўмитага қайтарилди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Буни икки давлат парламентлараро алоқалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ўтган ҳафтада Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги делегациянинг юртимизга ташрифи ва Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов билан учрашуви ўзаро муносабатларни янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.*

## Муносабат

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси билан бўлган учрашувда ҳар иккала давлат парламентларининг халқаро алоқалар, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамда гендер тенглик, таълим, гуманитар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя йўналишларидаги қўмиталари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳамда келгусида ўзаро алоқаларни янада кучайтириш масалалари юзасидан келишиб олинди.

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Сенати Раиси Ўзбекистонда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида илгари сурилган таклифлар бугун амалга ошаётганини, Бош Ассамблея томонидан Оролбўйи минтақасини "Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди", деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилинишини алоҳида эътироф этди. Айни чоғда мазкур резолюцияни амалга оширишда изчил ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

Мулоқот чоғида дунёда Ўзбекистонга қизиқиш ортгани, хусусан, пандемияга қарамасдан йилига ўрта ҳисобда 2 миллиондан зиёд Қозоғистон фуқаролари юртимизга зиёрат туризми асосида ташриф буюраётганлиги қайд этилди. Айни чоғда парламентлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тажриба алмашинувини кучайтириш, сенаторларнинг онлайн ва офлайн мулоқотларини мунтазам уюштириш, маҳаллий Кенгашлар депутатларини мазкур тадбирларга жалб қилиш таклифи ҳам билдирилди. Шунингдек, икки давлат ўртасида рақамли технологияларни ривожлантириш, саноатни рақамлаштириш, маданий гуманитар алоқаларни кучайтириш, бунинг учун ёшлар, хотин-қизлар ва зиёли қатлам учун форумлар ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Қозоғистонда **2 та театр, 100 дан** ортиқ мактаблар ўзбек тилида фаолият юритади. Шунингдек, ўзбек тилини ўргатишга ихтисослаштирилган юзлаб курслар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда эса **400 дан** ортиқ мактабларда қозоқ тилида дарслар ташкил этилган, жумладан, **163** тасида дарс тўлиқ қозоқ тилида олиб борилмоқда. Парламент алоқаларининг янги босқичга кўтарилиши ушбу йўналишлардаги ишларга ҳам ижобий таъсирини кўрсатиши, шубҳасиз.

Меҳмонларда мамлакатимизда хотин-қизлар масалалари бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар, хусусан, уларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "аёллар дафтари"ни юритиш орқали муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар катта таассурот қолдирди. Хусусан, хотин-қизлар муаммоларини, 9 та мезон асосида тизимли ёндашган ҳолда моддий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркор хотин-қизларга субсидиялар ажратиш, моддий жиҳатдан қийналган оилаларнинг ижара пулларини тўлаб бериш борасидаги эзгу ишлар улар томонидан юқори баҳоланди.

Ўз навбатида, ушбу йўналишда ҳам тажриба алмашиш, ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикр ҳамда таклифлар билдирилдики, бу парламентлараро алоқаларда янги йўналиш сифатида из қолдириши аниқ.

Умуман, Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев бошчилигидаги делегациянинг юртимизга келиши ва ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган учрашув ҳамда тадбирлар ўтказилиши икки давлат парламентлари ва шу орқали барча соҳадаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатдир.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ДЎСТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Польша Республикаси Миллий Ассамблеясининг Сейми билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи фаол иштирок этяпти.*

## Мулоқот

Шу асосда парламентлараро мулоқотни чуқурлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш бўйича ҳам амалий алоқалар йўлга қўйилган.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Польша Миллий Ассамблеяси Сейми ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳининг онлайн йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов, "Ўзбекистон — Польша" парламентлараро дўстлик гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда дастлаб Польша парламенти аъзолари Сейм фаолияти хусусида батафсил маълумотлар тақдим этди.

— Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан очиқлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган учрашувлар ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади, — деди "Польша — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Павел Бейда. — Мулоқотда парламентлараро алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар кўриб чиқилди. Зеро, давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар истиқболлидир. Ҳамкорликни барча йўналишда ривожлантириш учун эса ўзаро саъй-ҳаракатларни қатъий давом эттириш зарур.

Онлайн тадбирда эришилган натижалар эътироф қилинар экан, ҳали бу борада ишга солинмаган имкониятлар кўп эканлиги қайд этилди. Халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, манфаатли савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Бинобарин, ўзаро самарали муносабатларни янги босқичга олиб чиқувчи халқаро шартномаларнинг ўз вақтида ратификация қилиниши ҳамда улар ижроси парламент назоратида эканлиги бу борада катта аҳамият касб этади.

Мулоқот чоғида томонлар парламентлараро ҳамкорликни изчил ва янги йўналишларда давом эттириш, икки мамлакат ташаббусларини халқаро миқёсда қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги амалий ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлашда парламентларнинг ролини кучайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатларимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш йўлидаги ҳамкорлик бундан буён ҳам жадал давом эттирилиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# АЁЛЛАР, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

*"Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик" кун тартиби экспертлари салоҳиятини ошириш бўйича якуний семинар бўлиб ўтмоқда. Унда ЕХҲТ, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда экспертлар, иштирокчи давлатлар парламентлари аъзолари, шунингдек, бу борада катта тажрибага эга фуқаролик жамияти институтлари ходимлари қатнашаётир.*

## Семинар

Семинар давомида янги юзага келадиган муаммолар нуқтаи назаридан гендер билан боғлиқ масалалар, бу жараёнларга фуқаролик жамияти ва жамоатчиликни самарали жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова юртимизда гендер сиёсатни амалга ошириш юзасидан тўхталаркан, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси ҳақида атрофлича маълумот берди. Бу ҳужжат Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган бўлиб, унда қатор долзарб вазифалар қамраб олинган.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда юртимизда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, 25 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Натижада сиёсий партияларда аёллар улуши 44, олий таълим соҳасида 40, тадбиркорликда 35 фоизга етди. Шу билан бирга, хотин-қизлар ахборот-коммуникация, инновация, энергетика, муҳандислик соҳаларига кенг жалб қилинмоқда.

Зўравонлик натижасида жабрланган шахсларни, шунингдек, зиддиятли ҳудудлардан олиб чиқиб келинган аёлларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қарор қабул қилиш ҳамда ижро этишнинг барча соҳаси ва даражасида хотин-қизлар ҳамда эркаклар ўртасида тенглик принципини жорий қилишга комплекс ёндашувни назарда тутиши билан алоҳида ажралиб туриши айтиб ўтилди.

Семинар бугун ҳам ўз ишини давом эттиради.

**«Халқ сўзи».**

# АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда халқ вакиллари "Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг бажарилиши тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди. Депутатларнинг мазкур масала юзасидан саволларига Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Э. Муҳитдинов жавоб берди.*

## «Ҳукумат соати»

Вазир ўринбосарининг таъкидлашича, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда янги иш ўринларини очиш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда юртимизда 14 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 30 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 136 та маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш маскани ҳамда Тошкент шаҳри туманларида қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курсларини ташкил этиш учун профессионал таълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб мономарказлар битирувчиларининг касбий малакасини "WorldSkills" халқаро стандартлари асосида баҳолаш, уларга барча давлатда тан олинадиган "Skills" паспорти бериш ва касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестри шакллантирилди. Ўқишни тамомлаганликни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда "Skills" паспорти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилди.

Ушбу таълим муассасаларида жорий йилнинг 4 ойи давомида 62 мингга яқин ишсиз ва банд бўлмаган фуқаролар меҳнат бозорининг эҳтиёжидан келиб чиқиб касб-ҳунарга ўқитилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари таркибида расман 31 та кунлик меҳнат маркази фаолият юритмоқда. Ушбу марказлар томонидан 2021 йил январь — март ойлари давомида 5,1 минг нафар фуқарога вақтинчалик иш топишга кўмаклашилди. Таъкидлаш жоизки, вақтинчалик бир марталик ишларга жалб этиш бюролари орқали ҳудудларда аҳоли, асосан, қурилиш, уй ва қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ободонлаштириш, юк ташиш ҳамда бошқа йўналишдаги ишларга жалб этилмоқда.

"Ҳукумат соати"да вазир ўринбосари ёшлар ва аёллар ўртасида ишсизлик даражасини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда "ёшлар дафтари"-га киритилган 106,3 минг, "аёллар дафтари"га киритилган 161,1 минг ишсизнинг бандлигига кўмаклашилди. Шу йил 9 апрелдан бошлаб ишга жойлашишга муҳтож бўлган аҳоли қатламининг бандлигига кўмаклашиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги 7 та йўналишда субсидия ажратиш тартиби жорий этилди. Шунингдек, ишсиз ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада "жамоатчи ёрдамчи" сифатида жамоат ишларига жалб қилиш йўлга қўйилди..

Қайд этилганидек, вазирлик ва ҳудудий меҳнат органлари, давлат солиқ инспекциялари билан биргаликда корхоналар томонидан доимий тарзда меҳнатга ҳақ тўлаш фондини асоссиз пасайтириш ҳолатларини аниқлаш ҳамда норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ёки фуқаролар меҳнатидан норасмий равишда фойдаланаётган иш берувчиларни аниқлаш мақсадида мониторинглар ўтказиб келинмоқда. Мониторинглар натижасида 2020 йилда 100 мингдан ортиқ корхоналарда жами 621,1 минг иш ўрнини легаллаштиришга эришилди.

Парламент аъзолари "Ҳукумат соати"да муҳокама қилинган масала юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдириб ўтди. Якунда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

## ҲАЁТ ТАРЗИМИЗГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

1

Жумладан, давлат ва жамиятда коррупцияга қарши курашиш механизмлари ҳамда стандартларини жорий этишга эътибор кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш ва ички ишлар идоралари тизимида коррупциявий хавф-хатарлар ҳамда омиллар бўйича ўрганишлар олиб борилди. Учинчи йўналиш — “Коррупциясиз соҳа” ва “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳалари ижросига киришилди.

Ушбу мавзулар бўйича маълумот беришдан олдин, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига келиб тушаётган мурожаатлар ва улар бўйича агентлик томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот бериб ўтсам.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигига бугунги кунга қадар 3 минг 238 та мурожаат тушган бўлиб, 3 минг 205 тасининг белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган (шундан, 220 таси дубликат мурожаатлар).

Улар соҳа ва йўналишлар бўйича таҳлил қилинганда энг кўпини суд қарорларидан норозиликлар ташкил этиши маълум бўлди — 423 та (13,1 фоиз). Шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорларидан норозиликлар, ер майдони ажратилмаётган ҳолатлар, ер низолари ва ер майдонлари талон-торож бўлаётганлиги бўйича мурожаатлар, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг фаолиятидан норозиликлар ҳамда таълим соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракати ва соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар ҳам салмоқли.

**— Мурожаатларда кўрсатиб ўтилган қонунбузилишлар юзасидан қандай чоралар кўрилмоқда?**

— Ушбу ҳолатлар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ва ташкилотларга 55 та тақдимнома, 12 та огоҳлантириш, 130 та сўровнома киритилиб, шундан 8 та мурожаат бўйича жиноят ишлари қўзғатилган, 9 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган, 4 нафар айбдорга маъмурий иш қўзғатилган, 2 та қарор ҳамда 6 та тендер савдоси бекор қилинган ва мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилган.

Давлат харидлари бўйича “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш доирасида агентлик томонидан 13 та тақдимнома киритилиб, 25 та сўровнома ва 3 та огоҳлантирув жўнатилди, юборилган сўровномалар бўйича прокуратура органлари томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 14 та жиноят иши қўзғатилди.

Агентлик ушбу йўналишларда коррупцияни келтириб чиқараётган омилларни таҳлил қилиб бормоқда ва уларнинг олдини олиш бўйича таклифларни шакллантириб, мунтазам равишда Ҳукуматга ҳамда Президент Администрациясига киритиб бормоқда.

Энди бевосита давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши мувофиқлик тизими, яъни “комплаенс назорат” ҳақида гапирадиган бўлсам, ушбу тизим Ўзбекистонда коррупциянинг оқибатларини бартараф этиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган замонавий ва натижадор иш тутуми, десам хато бўлмайди.

Коррупцияга қарши “комплаенс назорат” — давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар, банклар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизим.

Умуман олганда, халқаро амалиётда коррупцияга қарши “комплаенс назорат” тизими янгилик эмас, у дастлаб 1906 йили АҚШда жорий этилган. Бугунги кунда мазкур иш услубининг турли моделлари дунёнинг 150 дан ортиқ давлатларида амалиётга татбиқ этилган. АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия каби қатор давлатлар тажрибаси мазкур тизим самарадорлигининг ёрқин исботидир.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг ўтган йили август ойидаги топшириқларига асосан, 26 та вазирлик ва идорада “Яширин иқтисодиёт” ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик (комплаенс назорат) тизими”ни жорий этиш юзасидан “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу тизимни Ўзбекистонда жорий этишга БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда “KPMG” (Италия) ва “CERT INTERNATIONAL” (Словакия) компаниялари жалб қилинган.

Ҳозирда вазирлик ва идоралар тузилмаларида “комплаенс назорат” хизмати бўйича янги очилган 543 та штат бирлигига 381 нафар ходим қабул қилинди ҳамда уларнинг 144 нафари коррупцияга қарши дастур доирасида малака ошириши ташкил этилди. Мазкур тизим жорий қилинаётган вазирлик ҳамда идораларда коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва дастури, коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби ҳамда одоб-аҳлоқ қоидалари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

**— Айтингчи, коррупцияга қарши “комплаенс назорат” тизими жорий этилиши орқали қандай натижаларга эришилди?**

— Саволингизга мисоллар билан жавоб бермоқчиман. Масалан, “Ўзкимёсаноат” АЖда товар моддий бойликларини сотиб олиш жараёнида инсон омилини чеклаш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида тўғридан-тўғри харид қилиш амалиётига чек қўйилиб, тизим корхоналари томонидан 2020 йил давомида жами 53,4 миллиард сўм харажатлар иқтисод қилинишига эришилди.

Бундан ташқари, “Қўнғирот сода заводи” АЖда 9 миллиард сўмлик маҳсулот камомади борлиги аниқланди ва қонуний чора кўриш учун ҳужжатлар тўплами ҳуқуқ-тартибот органларига юборилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тизимидаги ходимлар аттестациядан ўтказилиб, коррупцияга мойиллиги бўлган 1 минг 476 нафар (28 фоиз) ходим билан меҳнат шартномалари тугатилган.

> *Коррупциянинг асосий сабаблари сифатида респондентларнинг 16,5 фоизи — таниш-билишчилик ва уруғ-аймоқчилик мавжудлигини, 13,6 фоизи — жамоатчилик назорати сустлигини, 13,2 фоизи — иш тўғри йўлга қўйилмаганлигини, 10,9 фоизи — ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигини, 10,1 фоизи — ноқонуний топшириқлар берилишини кўрсатган.*

Давлат божхона қўмитаси тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ҳамда ходимлар томонидан ножўя ҳаракатлар содир этилишига чек қўйиш мақсадида 143 нафар ходим бошқа лавозимга, 29 нафар ходим бошқа ҳудудий бошқармаларга навбатдан ташқари ротация қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида 16 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди, 22 миллиард сўм бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олди олинди.

Халқ таълими соҳасида бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ёки талон-торож қилиш, ноқонуний иш ҳақлари тўланиши юзасидан 214 нафар мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 34 нафар масъул мансабдор эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, аниқланган ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган вақт ичида жами 78 миллиард сўм молиявий хато ва камчиликлар ҳамда ноқонуний ўзлаштиришлар аниқланиб, қонуний чора кўришлик учун ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖда ходимларни фақат очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ушбу маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, коррупцияга қарши “комплаенс назорат” хизматини жорий этиш орқали давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган самарали профилактик тизим яратилади.

**— Мазкур тизимнинг жорий этилиши барча давлат ташкилотларида ҳам ўз самарасини беряптими?**

— Баъзи давлат ташкилотларида тизимнинг ижобий натижаларини тўла англамаслик, уни тўғри ташкил этишга масъулиятсизлик билан ёндашиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

> **К**оррупцияга қарши курашиш агентлигига бугунги кунга қадар **3 минг 238 та** мурожаат тушган бўлиб, **3 минг 205** тасининг белгиланган тартибда кўриб чиқилиши таъминланган (шундан, **220 таси** дубликат мурожаатлар).

Хусусан, 19 та вазирлик ва идора ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларида “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш ҳолатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Транспорт, Молия, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасида “йўл хариталари” ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз ташкил қилинган.

Коррупцияга қарши “комплаенс назорат” тизимини татбиқ этиш ва мазкур тизимга иш тажрибаси етарли бўлган, малакали мутахассисларни жалб қилишга эътибор қаратилмаган.

Гарчи Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликларида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги фармойиши билан “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш белгиланган бўлса-да, бу иш бажарилмаган.

Ҳолбуки, Тошкент вилояти ҳокимлиги фаолиятида 111 та турли даражадаги коррупцион хатар аниқланган. Булар сирасига қурилиш соҳасида давлат буюртмасини танлов асосида жойлаштириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, ерларни танлаш, ажратиш ва хусусийлаштириш, инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштириш ҳамда мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, экспорт дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш, кадрларни танлаш ҳамда ишга жойлаштириш масалалари киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вазирлик ва идораларда “комплаенс назорат” тизими татбиқи халқаро стандартлар асосида йўлга қўйилишини таъминлаш мақсадида ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарт сертификатини олиш амалиёти жорий этилмоқда. Бугунги кунда Адлия вазирлиги, Товар хом-ашё биржаси, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги мазкур сертификатни қўлга киритишди.

2021 йилда 55 та вазирлик ва идорада “комплаенс назорат” тизимини қўллаш режалаштирилмоқда.

**— Шу йил 12 февраль куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига республикадаги криминоген вазият мураккаб бўлган вилоятларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида коррупциявий омилларни бевосита аҳоли билан мулоқот ташкил этган ҳолда, жамоатчилик фикри таҳлили асосида ўрганиш юзасидан топшириқ берилган эди. Ўрганишлар нимани кўрсатди?**

— Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ишчи гуруҳлар ташкил қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шу йил 16 февралдан 6 апрелга қадар бўлган вақт оралиғида ўрганишлар ўтказилди.

Хусусан, республикадаги криминоген вазият мураккаб бўлган ҳудудларнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти аҳоли ва ички ишлар органлари ходимлари иштирокида аноним тарзда сўровнома ўтказиш ҳамда бевосита мулоқот ташкил этиш йўли билан ўрганилди.

Мазкур сўровномада жами 5 минг 883 нафар фуқаро ва 4 минг 67 нафар ички ишлар органлари ходими иштирок этди. Сўровномани ўтказиш жараёнида, аҳолининг барча қатламини қамраб олиш мақсадида сўровнома ҳар бир ҳудуддаги корхона, идора ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, маҳаллалар ҳамда аҳоли кўп тўпланадиган жойларда ўтказилди.

Социологик сўровлар жараёнида респондентларнинг суд, прокуратура, ички ишлар, миллий гвардия идоралари ишидан розилиги ҳудудлар кесимида атрофлича ўрганилди. Аҳолининг суд идоралари фаолиятидан қониқиш даражаси ҳақидаги ижтимоий фикри 100 баллик шкалада 73,9 фоизлик даражада белгиланган бўлса, бу кўрсаткич прокуратура органлари бўйича 75,5 баллни, ички ишлар органлари бўйича 78,3 баллни, миллий гвардия фаолияти бўйича 77,6 баллни ташкил қилди.

Респондентларнинг 14,2 фоизи ички ишлар органларида, 11,8 фоизи судларда, 10,2 фоизи прокуратура органларида, 6 фоизи миллий гвардияда, 49,2 фоизи бошқа органларда коррупцион ҳолатлар кўпроқ учрашини маълум қилган.

Респондентларнинг 27,5 фоизи мурожаатлар билан ишлаш борасида эътиборсизлик, ишни атайин чўзиш, мурожаатларни қабул қилмаслик, муомала маданиятининг пастлиги, ходимлар билим савиясининг етишмаслиги, уларнинг коррупцияга мойиллиги ва таниш-билишчилик иллатларидан норозиликларини баён этган бўлса, 28,6 фоиз респондентлар ҳеч қандай муаммоларга дуч келмаганликларини маълум қилишди.

Коррупциянинг асосий сабаблари сифатида респондентларнинг 16,5 фоизи — таниш-билишчилик ва уруғ-аймоқчилик мавжудлигини, 13,6 фоизи — жамоатчилик назорати сустлигини, 13,2 фоизи — иш тўғри йўлга қўйилмаганлигини, 10,9 фоизи — ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги пастлигини, 10,1 фоизи — ноқонуний топшириқлар берилишини кўрсатган.

Ўрганиш натижалари бўйича ҳуқуқ-тартибот идораларида коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда масъул идораларга тақдим этилди.

**— Кўпчилик ўқувчиларимизни Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси натижалари ҳам қизиқтиради...**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ташкилий тузилмасида 5 кишидан ва ҳудудий бошқармалар таркибий тузилмасида 2-3 кишидан иборат Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони асосида вазирлик билан ҳамкорликда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифохоналарнинг кириш жойларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чақириқлар, “ишонч телефонлари” ва бошқа тарғибот материаллари жойлаштирилди.

Тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш учун “1203” қисқа рақамли “ишонч телефонлари” (Call-маркази) йўлга қўйилди.

Хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг бир гуруҳ ходимлари томонидан қилинган мурожаат бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасида бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Бугунги кунда тўпланган ҳужжатлар асосида прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилиши натижасида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатлари, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан вазирлик тизимидаги 395 та даволаш-профилактика муассасаси, корхона ҳамда ташкилотларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши бўйича ўрганиш ҳамда мониторинглар ўтказилган. Ушбу ўрганиш ва маниторинглар натижасида 2020 йилдан бугунги кунгача жами 50 миллиард сўмдан ортиқ молиявий хато, камчиликлар аниқланган, шундан, камомад ҳамда ўзлаштиришлар 7 млрд. сўмни, ноқонуний ва мақсадсиз харажатлар 12 млрд. сўмни ташкил этади, аниқланган хато ҳамда камчиликларда етказилган зарарнинг 3 млрд. сўми ундирилган.

Бундан ташқари, вазирлик тизимидаги тиббиёт муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг харажат сметалари ҳамда штат жадвалларини рўйхатга олиш даврида ўтказилган мониторинг натижасида 22,7 миллиард сўмлик ортиқча режалаштириш ҳолатларининг олди олинган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан ўрганиш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва тегишли идораларга юборилиши таъминланган.

Ўрганишлар давомида тизимдаги республика ва соғлиқни сақлаш бошқармаларига қарашли 123 та даволаш профилактика муассасаларида ишлаб келаётган 882 нафар ходим томонидан қалбаки малака тоифа сертификатлари тақдим этилганлиги натижасида ходимларга 2015 — 2020 йиллар давомида бюджет маблағлари ҳисобидан жами 18 миллиард сўм иш хақи нотўғри ҳисобланиб, 16 млрд. сўм ортиқча тўловлар амалга оширилганлиги аниқланди ва ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга тақдим этилди.

Шунингдек, агентлик томонидан Андижон, Бухоро, Самарқанд ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасига доир бажарилган ишлар ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Сўзимнинг якунида шуни алоҳида айтмоқчиманки, давлат ва жамият тараққиёти учун катта хавф туғдирувчи иллат бўлган коррупцияни фақатгина тизимли кураш орқали йўқ қилиш мумкин. Бу дунё тажрибасида ўз исботини топган. Зотан, Юртбошимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, коррупцияга қарши кураш бугунги кунда ҳар кунлик ҳаёт тарзимизга айланиши лозим. Бу иллатга қарши курашда давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ҳар бир фуқаро фаол қатнашиши лозим. Фақат биргаликдаги ҳаракатлар билан биз коррупциянинг олдини олишимиз мумкин.

**Карим АБДУРАҲИМОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

# ҚАҲРАМОНЛИК, МАТОНАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ЭЪТИРОФИ

1

Тадбирда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Сергей Денисенконинг энг мураккаб йўналишлардан бири бўлган жанубий қияликдан Эверест чўққисини забт этгани юртимиз альпинизмининг катта ютуғи бўлди.

Сергей Денисенко болаликдан тоғ спортига қизиқади. 2007 йилдан буён саноат альпинисти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

С. Денисенко 8848,86 метр юксакликдаги Эверест (Жомолунгма) чўққисига чиқишга узоқ вақт ва пухта тайёргарлик кўрди. 2021 йил 11 апрелда Никита Балабанов гуруҳи таркибида “Кулуар” жамоаси билан унинг Эверестга экспедицияси бошланди. Ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, қаҳрамонлик, жасорат, сабр-матонат ва ватанпарварликни намоён қилиб, дунёнинг энг юқори чўққисини забт этиш, у ерда давлатимиз байроғини мағрур ҳилпиратиш бахтига муяссар бўлди.

Тақдирлаш маросимида қаҳрамон альпинистнинг келгусидаги зафарли юришларига омад ва эзгу тилаклар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

## Қулайлик

# ИСТАНБУЛДАН ФАРҒОНАГА ИЛК АВИАТАШУВ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

*8 июнь куни “Турк ҳаво йўллари” авиакомпаниясига қарашли самолёт Истанбулдан Фарғонага илк парвозини амалга оширди. 165 нафар йўловчи билан Фарғона халқаро аэропортига келиб қўнган ҳаво лайнери тантанали равишда кутиб олинди.*



Дунёдаги энг йирик авикомпаниялардан бири ва жаҳоннинг 120 дан ортиқ давлатларида жойлашган 300 дан ортиқ аэропортларга чартер ҳамда мунтазам парвозларни бажариб келаётган “Турк ҳаво йўллари” самолётлари ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари Истанбул — Фарғона — Истанбул йўналишида қатновларни амалга оширади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, “Ўзавиация” агентлиги томонидан жорий йил 15 апрелда Туркиянинг “Turkish Airlines” авиакомпаниясига Истанбул — Урганч — Истанбул ва Истанбул — Фарғона — Истанбул йўналишларида мамлакатимизга мунтазам авиақатновларни бажариш учун рухсатнома берилган.

**Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси жамоаси қўмитанинг бошқарма бошлиғи Шоҳрух Одиловга отаси
**Ғайрат ҒАЙИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 969 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6